

“Миробод тумани 328-сонли умумтаълим мактаби биносига қуввати 40 кВт бўлган қуёш панелларини (қайта тикланадиган электр станцияси) харид қилиш ва ўрнатиш” объекти бўйича

169906-сонли пудрат шартномаси

7«11»2022 yil.

459-14-199-ХТ/2022-сон

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Миробод тумани Халк таълими бўлими номидан Низом асосида иш кўрувчи мудир вазифасини бажарувчи Ш.Бекчанов бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган «KONTINENT ART BUSINESS» масъулияти чекланган жамияти номидан Устав асосида иш кўрувчи директор Б.Мамадалиев иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, мазкур пудрат шартномасини, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

ТАРИФЛАР

Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, “Миробод тумани 328-сонли умумтаълим мактаби биносига қуввати 40 кВт бўлган қуёш панелларини (қайта тикланадиган электр станцияси) харид қилиш ва ўрнатиш” объекти бўйича лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ва ажратилган лимит маблағлари доирасида ишларни бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи ўз навбатида Пудратчига ишларни бажариши учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1.2. Тарафлар танлов комиссияси 2022 йил 2 ноябрдаги 169906-сонли баённомасига ва тасдиқланган манзилли рўйхат асосида мазкур пудрат шартномасини туздилар.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати, тендер савдолари натижасида аниқланган ва тасдиқланган ҳолда (**169906-сонли танлов баённомаси**) жорий нархларда ҚҚС билан жами 438 580 900,00 (Турт юз уттиз саккиз миллион беш юз саксон минг туккиз юз сум 00 тийин)

Мазкур шартнома бўйича Буюртмачи томонидан молиялаштириладиган маблағ - 438 580 900,00 сўмни ташкил қилиб, шу жумладан:

- 2022 йилда молиялаштириладиган маблағ – 438 580 900,00 сўм.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

III. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома шартлари бажарилиши бўйича Пудратчининг мажбуриятлари:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) кунлик муддат ичида қурилишни ташкиллаштириш ва ишчи тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш ва буюртмачи билан келишиш;
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш:
- қурилиш майдониغا зарур бўлган мувофиқлик сертификатларига эга қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмларни етказиш, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;
- ҳар ҳисобот ойининг 27 санасига қадар, Буюртмачига бажарилган ишларни қиймати бўйича ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ойлик маълумотнома-ҳисоб-фактурани ва унга ижро ҳужжатларини тақдим қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя қилган ҳолда, бажариладиган ишларни лойиҳа ҳужжатлари, дастлабки ҳисоб-китоб, шартномавий қиймати асосида олиб бориш;
- лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлмаган ҳолда (лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда олиб боришга руҳсат берилган ёки белгиланган муддатда келишилган/тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини олинмаган ҳолда) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қурилиш нормалари ва стандартларини қўллаган ҳолда ишларни олиб бориш (лойиҳачи ва буюртмачи билан келишган ҳолда);
- лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилган, объектга зарур бўлган (фойдаланувчи ташкилот билан келишилган ҳолда) технологик жихозлар ва мебель инвентарларни етказиб бериш учун ёрдамчи пудратчи ҳамда етказиб берувчиларни (ишлаб чиқарувчи корхоналар) Пудратчи мустақил равишда ўрнатилган тартибда танлаш ва объектни тўлиқ жихозлаш;
- Барча солиқлар, Субпудратчилар, ишчи ходимлар, ёлланма ишчилар, жихозлар ва мебель инвентарларни етказиб берувчи ёрдамчи пудратчилар ҳамда етказиб берувчиларни (ишлаб чиқарувчи корхоналар) олдидаги ҳосил бўладиган қарздорликларни ўз вақтида тўлаш ҳамда ўртада келиб чиқадиган низорларни ўзаро ҳал этиш;
- лойиҳа-смета ҳужжатларига қатъий амал қилиш, лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилмаган қўшимча ишлар ва ўзгартиришларни ўз бошимчалик билан бажармаслик, уларни албатта лойиҳачи ва буюртмачи билан келишиш;
- Буюртмачидан объектни қабул қилиб олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида объектнинг ташқи томони ҳамма тарафидан қурилиш ишларини кузатиш имконини берадиган даражада кузатув видеокамераларини ўрнатиш ва Буюртмачига интернет тармоғи орқали кузатиш имкониятини яратиш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик бино-иншоотлар қуриш;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги бўйича зарур тадбирларни ўтказишни таъминлаш ва ишчи ходимлар ёки ёлланган ходимлар, шу жумладан субпудрат ташкилотлари томонидан техника хавфсизлиги таъминланмаган ҳолда жавобгарликни ўз зиммасига олиш, қурилиш даврида атроф-муҳитни, яшил майдонни сақлаш ва ёритиш тизимини ўрнатиш;
- 3 (уч) кундан кам бўлмаган муддатда топширишга тайёр конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёрлигини ҳамда кейинчалик мазкур ишларни, тасдиқловчи далолатномалар асосида топширилиши бўйича Буюртмачига хабар бериш;

- ишлар бошланган даврдан бошлаб ва тугагунига қадар белгиланган шаклда ишлар бажариш журналини олиб бориш, унда қурилиш ишлари ҳам пудратчининг ўзи, ҳам жалб қилинган субпудратчилар томонидан қайд этилади ва ишлар тугаганидан сўнг ваколатли шахс томонидан ишлар бажариш журналини тасдиқлаиб, Буюртмачига тақдим қилинади;

- бажарилган ишларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси имзоланган кундан бошлаб, 1 (бир) ой ичида қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш ва объектни тозалаш;

- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

- қурилиш майдонини хавфсизлигини таъминлаш;

- Буюртмачининг биринчи талабига асосан буюртмачидан олинган маблағларни мақсадли сарфланиши бўйича молиявий ҳисоботни (тасдиқловчи ҳужжатлар билан) тақдим қилиш;

- ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажариш;

3.2. Пудратчи Буюртмачи олдида объектда бажарилган ишларни тўлиқ ўз кучи ва/ёки субпудратчи томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилганлигига ва объект бўйича 5.2.-бандда кўрсатилган муддатларда топширишга мулкрий жавобгар ҳисобланади.

3.3. Пудратчи ушбу шартнома бўйича объектни фойдаланишга топширилгунига қадар эгалик ҳуқуқини сақлаб қолади. Буюртмачига топширилгунга қадар пудратчи объектни тасодифий йўқ қилиш ва бузиш хавфини ўз зиммасига олади.

3.4. Қурилиш учун ажратилган маблағларни белгиланган мақсадларда ишлатиш.

3.5. Қурилиш майдонини тозалаш ва тегишлича санитария ҳолатини таъминлаш.

3.6. Пудратчи жалб қилинган ишчилар олдида амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш, қурилиши майдонида ишлаш ва дам олиш учун нормал шароитлар яратиш ва иш ҳақи учун ўз вақтида ҳақ тўлашни таъминлаш учун жавобгар.

3.7. Пудратчи объектда ишларни бажариш учун жалб қилинган ишчиларнинг хавфсизлик, меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш бўйича жавобгардир ва ходимлар томонидан технологик ва ишлаб чиқариш интизомининг бузилишини олдини олиш учун тегишли чораларни кўради ва қонун олдида ўрнатилган тартибда жавоб беради;

IV. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома шартлари бажарилиши бўйича буюртмачининг мажбуриятлари:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунга қадар бўлган даврга Пудратчига тақдим қилиш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- пудратчининг барча мурожаатларини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- Давлат экспертизасидан ўтган лойиҳа-смета ҳужжатларини Пудратчига тақдим қилиш;

- ушбу шартноманинг 6-бўлимига мувофиқ, объект бўйича пудратчига Молия органлари томонидан маблағлар ажратилгандан сўнг ва Буюртмачининг объект учун очилган махсус ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушган даврдан бошлаб молиялаштиришни амалга ошириш;

- объектда бажариладиган ишлар устидан техник назорат олиб бориш;

- ўрнатилган тартибда Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ бажариш;

4.2. Буюртмачи:

- молиялаштирилган маблағларни мақсадли сарфланиши бўйича Пудратчидан молиявий ҳисобот талаб қилиш;

- Қурилиш учун ажратилган маблағлар Пудратчи томонидан белгиланган мақсадларга сарфланмаганлиги аниқланганда маблағларни ундириш юзасидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига муружаат қилишга;

- Пудратчи томонидан ижро ҳужжатлари тақдим қилинмаганда ёки лозим даражада тақдим қилинмаганда бажарилган ишларни қабул қилишни рад қилиш;

- объектда қурилиш-монтаж ишларининг исталган босқичида назорат ўлчовини ўтказиш;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари бузилган ҳолда Пудратчини хат билан огоҳлантириб, шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини ўрнатилган тартибда Пудратчи томонидан қўйилган камчиликларни бартараф этмагунига қадар тўхтатиш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига асосан бошқа ҳуқуқларга эга.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ ВА ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Шартнома Фахначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва тарафлар 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича ишлар Пудратчи томонидан иш жадвалига мувофиқ қуйидаги муддатларда амалга оширилади:

Ишнинг бошланиши – ноябр 2022й.;

Ишни якунлаш – буюртмачи томонидан аванс тулови ўтказилган кундан бошлаб 30 кун.

5.3. Пудратчи шартномани имзолаган кундан бошлаб ишни бошлашга ва ишни муддатидан олдин бажаришга ҳақлидир.

VI. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шартнома (ёки қўшимча келишув) рўйхатдан ўтгандан кейин 5 (беш) кундан кечиктирмаган ҳолда аванс маблағини ўтказиши.

6.2. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизигача буюртмачининг объект бўйича ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушгандан сўнг, тўлов амалга оширилиб борилади.

Тарафлар томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилган объектда бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги ҳисоб-фактуралар жорий молиялаштириш учун асос ҳисобланади.

6.3. Аванс тўловлари, жорий молиялаштириш ва объект учун якуний ҳисоб-китоблар қурилиш лойиҳаларининг Молия органлари томонидан ажратилган маблағларга тасдиқланган манзилли рўйхатига асосан капитал қўйилмалар доирасида буюртмачининг объект бўйича шахсий ҳисоб рақамига маблағлар келиб тушгандан сўнг, амалга оширилади. Бунда 100 фоизгача бўлган якуний тўловлар Пудратчилар томонидан ҳисоб-фактураларга тегишли асословчи (техник назоратчининг талабига кўра) барча ҳужжатлар Буюртмачига тақдим этилгандан сўнг амалга оширилади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни (назоратчи) тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади. Шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва жиҳозларни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади (зарур ҳолларда тегишли асословчи ҳужжатларни талаб этади).

7.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг V бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини “Қурилиш соҳасида Тошкент шаҳар ҳудудий назорат инспекцияси” билан келишади ва унга риюя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

- 7.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

7.7. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.8. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

7.9. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Бунда қурилиш даврида электр, сув, газ ва бошқа коммунал хизматлардан вақтинча фойдаланганлик учун сарфланган харажатларни Пудратчи ўз маблағларидан қоплайди.

7.10. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

7.11. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 3 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Қурилиш соҳасида Тошкент шаҳар ҳудудий назорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

7.12. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари билан тасдиқланади.

7.13. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

7.14. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Сифатсиз бажарилган ишлар ва уларни тузатиш Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида икки томонлама далолатнома асосида бажарилади. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Қурилиш соҳасида Тошкент шаҳар ҳудудий назорат» инспекцияси томонидан амалга оширилади.

7.15. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча йўл чизмасини (полосасини), шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни тозалаб ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш чиқиндисини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

7.16. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарларини (журнал) юритади.

Пудратчи дафтарларда (журнал) Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7.17. Пудратчиларнинг солиқлар, субпудратчилар, ишчи ходимлар, ёлланма ишчилар, жихозлар ва мебель, инвентарларни етказиб берувчи ёрдамчи пудратчилар ҳамда етказиб берувчиларни (ишлаб чиқарувчи корхоналар) олдидаги ҳосил бўладиган қарздорликларни ўз вақтида

тўланмаганлиги ҳамда улар ўртасида келиб чиқадиган низорларни хал этиш масалалари Буюртмачи мажбуриятига кирмайди;

7.18. Пудратчи шартномада белгиланган муддатларда объектни фойдаланишга топширилгандан сўнг, 1 ойдан кечиктирмаган ҳолда якуний ҳисоб-фактурасини расмийлаштиришга мажбур. Акс ҳолда Буюртмачи объектни якуний киймати этиб, объектни фойдаланишга топширилган вақтдаги кийматини қўйишга ҳақли.

VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

8.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар атрофи ўралган (тўсилган) қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди. Қурилиш даврида объектга видеокамера мосламаларини ўрнатади.

8.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда ўзайтирилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

10.1. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тарафлар бажаргандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг амалдаги қоидаларига (ШНК 3.01.04-04) биноан амалга оширилади.

10.2. Объектни қабул қилиш Буюртмачи уни фойдаланишга топширишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчидан ёзма хабарнома олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида амалга оширилади.

10.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин Буюртмачига ушбу шартноманинг 4.1.- бандига биноан Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини топширади. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

10.4. Қабул қилинган кундан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XI. КАФОЛАТЛАР

11.1. Пудратчи қуйидагиларга кафолат беради:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва ушбу шартнома шартларида белгиланган муддатларда ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ бажаришга;

- лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ, барча ишларни бажариш сифатига;

- қурилишда ишлатиладиган қурилиш материаллари, ускуналар ва бутловчи қисмлар, конструкция ва тизимлар сифати, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигига;

- ишларни қабул қилиш пайтида ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишга;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналар, ишлаш коидаларига мувофиқ ишлашига.

11.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллар ва ишларнинг кафолат муддати, томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига мос равишда узайтирилади.

11.4. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузивида ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Қурилиш соҳасида Тошкент шаҳар ҳудудий назорат инспекцияси” томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

11.5. Нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш Пудратчи томонидан ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Агар Пудратчи шикоят далолатномасида кўрсатилган муддатда бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва камчиликларни, шу жумладан ускуналарнинг мумкин бўлган нуқсонларини бартараф этмаса, Буюртмачи ушбу шартноманинг 6.3-бандида назарда тутилган кафолат миқдорини Пудратчидан ушлаб қолишга ҳақлидир.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга ошган ҳолда, Пудратчи томонидан қурилиш ишларини бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифатини пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа асосларда.

12.2. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир:

- Буюртмачи томонидан ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа асосларда.

12.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

12.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

12.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

12.7. Пудратчи томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, Буюртмачи агар Пудратчини ишдан четлаштириш ва тендер комиссиясининг қарорини бекор қилиш тўғрисида тендер комиссиясининг баённомаси мавжуд бўлса, шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир.

ХИ. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1. Тарафлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олади.

13.2. Буюртмачи томонидан ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун мулкый жавобгарликни ўз зиммасига олади, шу жумладан:

13.2.1. Буюртмачи бажарилган иш учун тўловларни кечиктиргани учун Пудратчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов миқдорининг 0,1 фоизи миқдоридан жарима тўлайди, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

13.2.2. Белгиланган тартибда қабул қилинган, бажарилган иш учун тўлашдан асоссиз равишда тўлик ёки қисман рад этган тақдирда. Буюртмачи Пудратчига у рад этган ёки ундан қочган сумманинг 5 фоиз миқдоридан жарима тўлайди.

13.2.3. Шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда рад этган тақдирда, Буюртмачи Пудратчига “Қурилиш соҳасида Тошкент шаҳар ҳудудий назорат инспекцияси”нинг ижобий хулосаси бўлган тақдирда, у рад этган ёки тасдиқламаган сумманинг 0,1 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

13.3. Пудратчининг ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Пудратчи мулкый жавобгарликни ўз зиммасига олади, шу жумладан:

13.3.1. объектни ушбу шартноманинг 5.2-банди кўрсатилган муддатда фойдаланишга топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

Агар Пудратчи ушбу объект бўйича ишларни ўз вақтида яқунлаган бўлса, лекин ушбу шартноманинг 3.2-бандига асосан шартнома шартларини бажармаган бўлса, у ҳолда Пудратчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баробари миқдоридан жарима тўлайди, бунда жариманинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.

13.3.2. Агар бажарилган ишлар сифати бўйича стандартлар, техник шартлар, лойиҳа ҳужжатларига, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, Пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар учун жарима пудратчидан ақцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига ишларнинг сифати лозим даражада эмаслиги тўғрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида тақдим этилади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

13.3.3. Ишни бажаришда ва объектни қабул қилишда Пудратчи томонидан йўл қўйилган ва Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этишнинг кечикиши учун шикоят далолатномасида белгиланган муддатларда Пудратчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари миқдоридан жарима тўлайди, лекин нотўғри бажарилган ишларнинг шартнома қийматининг 5 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда.

13.3.4. Агар пудратчи шикоят далолатномасида белгиланган муддатларда камчиликларни бартараф этмаган бўлса, Буюртмачи ушбу шартноманинг 13.3.2. ва 13.3.3.-бандларига мувофиқ жаримага тортиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган ҳолда, ўзи ёки бошқа Пудратчи томонидан дастлабки камчиликларни бартараф этиш ҳуқуқига эга.

13.3.5. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун ушбу моддада назарда тутилган санкциялардан ташқари, шартномани бузган томон бошқа томонга у қилган харажатлар, мол мулкнинг йўқолиши ёки зарарланиши, шу жумладан йўқолган фойдалар, жарималар ва жарималар билан қопланмаган зарарни қоплайди.

13.3.6. Кечиктирилганлиги ёки бошқа нотўғри бажарилганлиги учун жарималар ва пеняларни тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан хал этилади.

15.2. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдачи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

15.3. Мазкур шартнома бўйича барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва тарафлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни, тарафлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

15.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.


15.6. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолларда, амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

15.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга 2 асл нусхада имзоланган.

15.8. Томонлар мазкур шартнома бўйича юзага келадиган муносабатларда Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига қатъий риоя қилиш мажбуриятини олади.

XVI. ТАРАФЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи	Пудратчи
<p>Миробод тумани ХТБ Тел: 71-256-30-47 х/р: 23402000300100001010 ИНН қаз: 201122919 ИНН орг: 201534627 МФО: 00014 ХККМ МБ бош бошқарма ш/р: 401722860262737092100075020</p>	<p>"KONTNENT ART BUSINESS" МЧЖ манзил: Тошкент ш. Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кучаси 56-уй х/р 20208000800710308001 МФО 00419 - АТТБ Ипотека банк Тошкент шаҳар филиали Амалот-бонгармаси СТИР: 00557387 909854989 Директор Б.Ибраҳимов</p>

	<p>Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</p>	
	Imzolovchi F.I.SH.	SHERZOD BEKCHANOV ALIMOVICH
	Imzolangan sana	07.11.2022 11:57
	Hujjat kodi	GK5131806143
	Hulosa kodi	QZ6536704584



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

TOSHKENT SHAHAR ADLIYA BOSHQARMASI

MIROBOD TUMAN ADLIYA BO‘LIMI

YURIDIK XIZMAT KO‘RSATISH MARKAZI

100072, Toshkent shahar, Mirobod tumani, A.Fitrat ko‘chasi, 40 A-uy

el. pochta: mirobod.t-yurmarkaz@adliya.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

QZ6536704584

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi loyihasi.Mirobod tuman XTB va “KONTINENT ART BUSINESS” MCHJ o‘rtasida pudrat shartnoma loyihasi (169906-sonli).
3. Loyihaning qisqacha mazmuni: Mirobod tuman XTB va “KONTINENT ART BUSINESS” MCHJ o‘rtasida Mirobod tumani 328-sonli umumta’lim maktabi binosiga quvvati 40kVt bo‘lgan quyosh panellarini xarid qilish va o‘rnatish to‘g‘risida 169906-sonli pudrat shartnomasi loyihasi. “Davlat xaridlari to‘g‘risida” Qonuni bo‘yicha eng yaxshi takliflarni tanlash tartib taomili bo‘yicha amalga oshirilgan davlat xaridi. LOT raqami 169906. Shartnoma loyihasi qiymati 438 580 900.00 so‘m.
4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Mirobod tumani xalq ta’limi bo‘limi tomonidan 03.11.2022 yilda kiritilgan.
5. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.
6. Moliyaviy ekspertia bundan mustasno.

Mirobod tuman
yuridik markaz
bosh yuriskonsulti:



SH.A.ABDUSATTOROV

07.11.2022